



ТАЛАБАЛАРДА АХБОРОТГА БЕРИЛИШ ВА ВИРТУАЛ МАДАНИЯТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК МОДЕЛИ

Шарапова С.Ж.

ГулДу

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7768952>

ARTICLE INFO

Received: 15th March 2023

Accepted: 24th March 2023

Online: 25th March 2023

KEY WORDS

Глобаллашув, психологик модел, ижтимоий макон, виртуал маданият, ахборот, таҳдид, талабалар, медиа, маданият, медиамаданият, медиатаълим, медиасаводхонлик, медиабилымдонлик, медиамаҳорат, медиакомпетентлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ижтимоий макон ва ахборот таҳдидлари шароитида ёшларнинг ахборотга берилиш ҳолатлари ҳақида мулоҳазалар юритилган бўлиб, келажак таянчи ҳисобланган ёшларни ушбу ахборот хуружларидан асраш масалалари муаммо сифатида кўтарилган.

Ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёнدير. Айтиш мумкинки, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва социал тараққиётининг ўзагини ташкил этади. “Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ахборот стратегик ресурс сифатида табиий бойликлар, энергия манбалари қаторидан жой олди. Бошқача қилиб айтганда, ахборот тараққиётининг бош омилига айланган. Ахборот ҳарбий снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз қуролига айлантирилмоқда. “Совуқ уруш” даврида ахборотнинг “ҳарбий кучлар ва мудофаанинг энг заиф бугуни” эканидан азият чеккан олим бу қуролнинг залворини кучайтириш ҳақида қайғуради.

Глобаллашув - кишилиқ жамиятида маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёни экан, ундан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Эзгу ғоя ва таъминотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Президент Ш. Мирзиёев айтганларидек, “Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини



фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз” .

Мамлакатнинг таянчи ва тараққиёти келажак авлодга боғлиқ эканлигини эътироф этсак, ахборот оқими кўпайган шароитда ёшларда ҳар бир маълумотга нисбатан тушуниш, уни қабул қилиш, уни хотирада сақлаб қолиш ва керак пайтда қайта тиклаш жараёнлари бугунги кун талабаси олдида катта масъулиятни юклайди. Маълумотлардан кўринадики, жамият ҳаётида ёшлар интернет ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишининг ортиб бориши оқибатида турли кўнгилсизликлар, оиласига хиёнат, фаҳш суратлар ва киноларни томоша қилиш, юздан ҳаё пардасининг кўтарилиши каби нохуш ҳолатлар кўпайгани кузатилмоқда” .

Бугунги кунда социомаданий муҳит жиддий ўзгаришга учраган. Бу нафақат қадриятлар тизимининг ўзгарганлиги, балки янги тилдаги ахборот-коммуникатив макон - интернетнинг пайдо бўлганлиги ҳисобига содир бўлди. Интернет истеъмолчиларининг ёши бўйича гуруҳларнинг фоиз ҳисобида мувофиқлашуви социологларни янги фактор-интернет таъсирида ижтимоийлашув натижаларининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги масаласига эътибор қаратишга мажбур этмоқда.

Интернетнинг ҳам, ижтимоий тармоқларнинг ҳам агар тўғри фойдаланилса ўзига яраша ижобий томонлари ҳам бор. Буни инкор этмаслик керак.

Ахборотни тез ишлаш, топиш ва тезкор узатиш нуқтаи назаридан интернетдан фойдаланиш анча қулай, ва тушунарли. Бироқ ижтимоий ҳаётда ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши. Тадқиқот давомида айрим ёшларимизнинг вақтини беҳуда ишларга сарфлаётгани курдик, турли ижтимоий сайтлардан боши чиқмаётган йигит-қизларни учратдик. Баъзи ёшларимиз ярим тунгача бемақсад вақт ўтказаётганининг гувоҳи бўлдик. Ҳатто мактаб болалари ҳам дарс вақтида турфа ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб кўнгилочар ўйинлар ўйнаб ўтиришганликлари кузатилди. Тадқиқот давомида кузатилган ҳолатлар ва олиб борилган ишлар бўйича қуйидаги тавсияларни бериш ўринлидир: барча вилоятлардаги туман ва шаҳарларда махсус қўшма дастурлар қабул қилиниши ва вилоят ҳокимлиги бошчилигида ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар бўйича комиссияси, прокуратура, ички ишлар органлари, маҳалла хайрия жамоат фонди таълим муассалари ва бошқа мутасадди идора ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда ижро этилиши лозим ва шартдир.



4.5.1-расм. Ахборотнинг мақсади ва таъсир соҳаси

Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ахборот хавфсизлигини, “виртуал маданият” таъсиридан сақлашни таъминлаш долзарб масаладир. Айти пайтда уларни “мураккаб ахборот оламига” олиб кириб, уларнинг онгига, мақсад ва майилларига таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ахборотни қабул қилиш даражаси ва тажрибаси етарли бўлмаганлиги учун ҳам, ундан тўғри, хулосалар чиқариши осон эмас. Ахборотларни ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши кўпроқ “тақлидчи ёшлар”да кузатилади. Бу уларда салбий, хатти-ҳаракатларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бундай ёшларни “зарарли ғоялар”нинг таъсирида уларнинг психологияси ўзгариб, ахборотларнинг таъсири ортади.

Ахборот қабул қилишда психологик тузилма**4.5.2-расм. Ахборотни қабул қилишда психологик тузилма**

Глобал тармоқдаги ахборот ресурсларининг ёш авлод ҳаёт тарзининг шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш натижасида шундай фикр келиб чиқадики, интернет ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос муҳитига айланиб қолди. Фикримизча, миллий тармоқда ёшларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг дунёқараши, қизиқишларидан келиб чиқиб, бевосита ёш авлод манфаатлари ва муаммоларини қамраб олувч маънан мазмунли, шу билан бирга, замонавий мавзулардан иборат Веб-сайтлар яратиш муҳимдир. Миллий ёшлар порталининг тарбиявий, маърифий аҳамияти катта бўлиб, шунга ўхшаган веб-ресурслар кўпайтирилса, жамият учун ҳам, ёш авлод учун ҳам фойда бўлади. Ахборот турли ижтимоий қатламларда, профессионал ва миллий гуруҳларда ҳар хил таъсир этишини ҳамда уни истемол қилиш ҳам бир-биридан фарқ қилганлиги боис, кишиларда, айниқса ёшларда ахборотни саралай олиш, яъни ахборот истемоли маданиятини юксак даражада шакллантириш учун энг аввало, ёш йигит - қизларда миллий ғурур, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини уйғотиш муҳим.

References:

1. Университетнинг таълим муҳити: анъаналар ва инновациялар: монография / А.В.Пономарев [ва бошқалар]. Екатеринбург: Урал. ун-т, 2019. - 408.
2. Гаврилюк В.В., Маленков В.В. Фуқаролик, ватанпарварлик ва ёшлар тарбияси // Социс. 2017. Но 4.
3. Самигуллина В.Г. Олий таълим муассасасида талабаларнинг фуқаролик-ватанпарварлик тарбияси // Қозон педагогика журнали. 2017. Но 4. С. 1